

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВ ХАЁТ ШАРИПОВИЧ**

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА  
МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.05 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Кади́ров Хаёт Шарипович**

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни  
ривожлантириш технологияси..... 3

**Кади́ров Хаёт Шарипович**

Технология развития медиакомпетентности будущих учителей  
профессионального образования..... 37

**Kadirov Khayot**

Technology for the development of media competence in future teachers of  
vocational education..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 76

**ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯЛАР, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ  
БОШҚАРУВ ҲАМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ  
ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВ ХАЁТ ШАРИПОВИЧ**

**БЎЛАЖАК КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА  
МЕДИАКОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.05 - Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОР (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Ped9 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Муслимов Нарзулла Алихонович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хамидов Жалил Абдурасулович**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бекназарова Саида Сафибуллаевна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17; E-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz), [devonxona@iirpo.uz](mailto:devonxona@iirpo.uz))

Диссертация билан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 76-уй. Тел: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-92-17.

Диссертация автореферати 2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кун тарқатилди.

(2020 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Э.Қурбонов**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**С.Ю.Ашурова**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., проф.

**З.К.Исмаилова**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни ижодий медиа фаолиятга йўналтириш ҳамда медиамаданиятини ривожлантириш муҳитини яратиш технологиялари таълим жараёнига кенг татбиқ этилган. Медиа ва ахборотлар базаси воситасида бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш платформалари жорий этилган ҳамда мазкур платформаларда очик ва масофавий (open and distance learning - ODL) ҳамда узлуксиз касбий таълим олиш (continuing professional development - CPD) имконияти яратилган. Рақамли технологияларнинг ривожланиши ҳамда таълим платформаларининг фаоллашуви даврида бўлажак мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашда уларда медиакомпетентликни ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришга (татбиқ этишга) алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш ҳамда бу жараёнда танқидий фикр юрита олиш, ахборотни таҳлил қила билиш ва ундан таълимий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш, мустақил таълим олиш индикаторларини такомиллаштириш орқали сифатли таълим олиш муҳитини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини таълим жараёнига татбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш, талабаларда медиакомпетентликни ривожлантириш, рақамли таълим жараёнларини ташкил этиш, рақамли компетенция моделларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларига эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиёт талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратишнинг меъёрий асослари ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>да таъкидланганидек, “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устувор вазифа ҳисобланади. Натижада, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиамаданиятини ривожлантириш негизда уларни келгусидаги касбий фаолиятга тайёрлаш, таълим жараёнига виртуал таълим технологияларини кенг татбиқ этиш, виртуал лаборатория машғулотларини ташкил этишнинг методик таъминотини такомиллаштириш учун кенг шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (2020), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017. –Б.39.

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5349-сон, 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Замонавий шароитларда бўлажак ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантиришнинг методологик ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш, педагогик жараёнда ўқитувчиларни рақамли технологиялар ва медиасаводхонлик бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, талабаларда медиакомпетентликни шакллантириш бўйича Oslo Metropolitan University (Норвегия), University of Limerick (Ирландия), University of Valencia (Испания), University of Malta (Мальта), De la Rioja Internaeional University (Испания), Таълим академияси (Россия), Тошкент ахборот технологиялари университети (Ўзбекистон), Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Мультимедиа маркази (Ўзбекистон), Тошкент давлат педагогика университети (Ўзбекистон) каби олий таълим муассасаларида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш муаммоси бўйича қуйидаги илмий натижаларга эришилган: рақамли компетенциялар медиасаводхонлик ва касбий-педагогик медиакомпетентликни ўзаро интеграциялаш асосида ривожлантирилган (Oslo Metropolitan University); компетенциявий ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда медиакомпетентлик ва рақамли компетенцияларнинг ривожланганлигини мониторинг қилиш механизмлари такомиллаштирилган (University of Limerick); педагогик таълимда синтезлаштирилган рақамли компетенция модели ҳамда ўқитувчи ва талабаларнинг медиакомпетентлик

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи [www.myhomelatvia.com/se/novosti/index](http://www.myhomelatvia.com/se/novosti/index); [www.jurnal.org/articles/2008/ped9.html](http://www.jurnal.org/articles/2008/ped9.html); <http://iibrary.by/portalus/modules/pedagog-ics/>; [www.duskyrobin.com/Z2005-01-00045.pdf](http://www.duskyrobin.com/Z2005-01-00045.pdf) (Technical Education: Global Trends and Challenges/on the occasion of International Seminar, 15 th November 2013, Jonson’s Institute Of Technology, India/). Industrial Technology Education II. Group Training Course/12 June-21 July, 2006. JICA of the Government of Japan. Role of English language in Educational System under Bologna program/ seminar. 19 October 2017, Tashkent. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

имкониятларини ривожлантиришнинг интегратив технологиялари уйғунликда ишлаб чиқилган (University of Malta); бўлажак ўқитувчиларда медиакомпетентликни интеллектуал ва психоэмоционал ривожлантириш тизими моделлаштириш асосида ишлаб чиқилган (University of Valencia); талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш механизми медиатеchnологиялар тизимини жорий этиш орқали ишлаб чиқилган (De la Rioja Internaeional University); таълим жараёнини бошқаришни автоматлаштириш асосида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг интеллектуал тизимлари ишлаб чиқилган (Россия); рақамли технологияларни таълимга татбиқ қилиш тизими ишлаб чиқилган (Австралия).

Ривожланган давлатларда медиамаданиятни ривожлантириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: медиакомпетентликни ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантириш масалалари бўйича мустақил фикрлаш, креатив масалаларни ечиш, таълим жараёнини педагогик-психологик лойиҳалаш, интенсив ҳамда интегратив технологиялар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида медиатаълим муаммолари С.Бекназарова, Я.Маматова, С.Сулайманова, С.Бабажанов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилиб, илмий-методик асослари ишлаб чиқилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан А.Федоров, А.Милютин, А.Веряев, В.Протопопова, Е.Никитина, И.Фатеева, Г.Онкович, Л.Зазнобина, Н.Змановская кабилар медиатаълимни ташкил этиш бўйича салмоқли изланишлар олиб борган.

Олий таълим муассасалари талабаларининг медиакомпетентлигини телекоммуникация ва журналистикага оид фанлар орқали ривожлантириш борасида хорижлик олимлардан А.Silverblatt, McMahon, R.Kubey, C.M.Worsnop, W.J.Potter, U.Carlsson ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борган.

Таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва касбий фанларнинг мазмуни, ўқитиш муаммолари А.Абдуқодиров, М.Мамаражабов, Н.Тайлаков, У.Бегимқулов, У.Юлдашев, Ф.Закирова, А.Эминов ва бошқа бир қанча олимлар томонидан ўрганилган.

Ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлиги ҳамда компетентлиги муаммоси Р.Х.Жўраев, Ш.Э.Қурбонов, Э.А.Сейтхалилов, Ф.Р.Юзликаев, А.Р.Ходжабоев, У.И.Иноятов, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ш.С.Шарипов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Тўрақулов, Д.О.Химматалиев, О.А.Қуйсинов кабилар томонидан тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. – Тошкент, 2010. – Б. 87; Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. – Т.: 1992. – С. 406; Абдуқодиров А., Пардаев А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. Монография –Т.: Фан, 2009. – 145 б.; Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед.фан.док. ...дисс. – Т., 2007. – 305 б. Рашидов Х.Ф. Особенности развития среднего специального, профессионального образования в Узбекистане. – Т.: Фан, 2004. – С. 288; Курбанов Ш., Сейтхалилов Э. Национальная программа по подготовке кадров. – Т.: Университет, 2000. – С. 103; Қурбонов Э.Ш., Сейтхалилов Е.А., Иноятов У.И., Юзликаева Э.Р., Шарипов Ш.С. Кадрлар тайёрлаш

Медиатаълимнинг назарий ва амалий асослари ва медиакомпетентликни такомиллаштириш муаммолари К.Бэзелгэт, И.В.Вайсфельд А.Г.Дал, Л.С.Зазнобин, И.С.Левшин, Л.Мастерман, В.А.Минкин, Л.А.Нагорная, О.Ф.Нечай, С.Н.Пензин, Г.А.Поличко, Ю.М.Рабинович, А.В.Спичкин, Ю.Н.Усов, Э.Харт, Н.Ф.Хилько, А.В.Шариков, Л.К.Шиян каби бир қатор педагогларнинг тадқиқотларида таҳлил этилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш технологияси” (2012-2014 йй.), “Олий таълим муассасаси педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” (2015-2017 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентлик кўрсаткичларини ривожлантиришнинг назарий-методологик жиҳатларини фалсафий, педагогик ва психологик, техник ва методик адабиётлар таҳлили ҳамда таълимни ахборотлаштиришнинг стратегик талаблари асосида аниқлаштириш;

рақамли таълим шароитида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида интеграллашган медиакомпетентлик медиамуҳитини ташкил этишнинг дидактик имкониятларини замонавий ёндашувларни қўллаш асосида такомиллаштириш;

рақамли технологиялар воситасида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришни босқичма-босқич амалга ошириш бўйича адекват инновацион таълим технологияларини танлаш ва амалиётга жорий этиш;

медиатаълим машғулоти мазмунини талабаларнинг тасаввурлари, фантазиялари, ассоциатив тафаккурлари, аудиторияни новербал англаши,

---

миллий модели ва дастури «Ислом Каримов модели» Ўзбекистон мустақиллигининг юксак ютуғи ва натижаси/ Ўқув қўл. - Акад. Т.Рихсиев таҳрири остида: – Тошкент: ТДПУ, 2013. – Б. 234; Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед.фан. док. ... дисс. Автореф. – Ташкент: ТДПУ, 2007. – Б. 47; Шарипов Ш.С. Педагогические условия формирования изобразительского творчества студентов (на примере факультетов Труда и профессионального образования): Автореф. дис. ... канд. пед. наук. – Ташкент: УзНИИПН, 2000 – С. 20; Магзумов П.Т. Педагогические основы трудового становления личности школьников: Автореф. ... докт. пед. наук. – Т.: 1991. – С. 41; Шарипов Ш., Исянов Р. Касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришда виртуал тренажерларнинг аҳамияти // Таълим тизимига ахборот технологияларини татбиқ этишнинг замонавий муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари.- Гулистон: ГулДУ, 2009. – Б. 346-348.



индивидуал, иждодий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган иждодий ва алгоритмик машғулотларни лойиҳалаштириш орқали такомиллаштириш;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг мезон ва кўрсаткичлари асосида репродуктив, продуктив ва изланишли даражаларни баҳолаш, натижаларга математик-статистик ишлов бериш ҳамда ўқув-услугий таъминотини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълим ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёни.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари, ташкилий-методик ва амалий-технологик тизимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида муаммога доир фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; олий таълим муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик тажриба-синов; натижаларни математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентлик кўрсаткичларини ривожлантириш стратегияси рақамли технологиялар воситасида таълимни ахборотлаштириш талаблари (Moodle, Ilias, e-learning) ҳамда дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идентив хусусиятларга кўра ўқитиш воситалари, методлари ва шакллари босқичли ва мақсадли лойиҳалаш ёндашуви (кейс-тўплам, маҳорат дарслари) асосида аниқлаштирилган;

медиамуҳитни ташкил этишнинг (медиавосита, медиафаолият) лойиҳалаш ва моделлаштириш функциялари, медиакомпетентликни ривожлантиришга тизимли ёндашув асосида педагогик жараён элементларини қамраб олган касбга йўналтириб ўқитиш модели касбий-дастурий воситаларини ўзида мужассам этган электрон ўқув-услугий таълим ресурслари ишлаб чиқилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг рақамли медиакомпетентлигини ривожлантириш моделининг мақсадли, мазмунли-ташкилий, технологик-жараёнли, назорат-баҳоловчи блоклари мазмуни рақамли медиатаълим тенденциялари ҳамда медиакомпетентлик даражаларининг мотивацион, когнитив, операцион, рефлексив кўрсаткичларини тизимли баҳолаш мезонларига устуворлик бериш асосида ривожлантирилган;

медиакомпетентликни ривожлантириш технологиялари педагогик (узлуксизлик, фундаментализация, компетентлик, тизимлилик ва кетма-кетлик) ҳамда мақсадли лойиҳалаштирилган педагогик ёндашув (фанлараро ва субъектив интеграция, модулли, креативлик, акмеологик) тамойил ва қонуниятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган.

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш методикаси умумкасбий ва ихтисослик фанлар дидактик

таъминотини оптималлаштириш, “Замонавий медиабилим асослари” махсус курсини жорий этиш орқали талабаларнинг тасаввурлари, ассоциатив тафаккури, аудиторияни новербал англаши, рақамли саводхонлиги ва маданияти ҳамда танқидий фикрлашини шакллантириш, уларни мустақил, амалий ва ижодий касбий фаолиятга йўналтиришда интерфаол методларни тизимлаштириш, топшириқларни лойиҳалаштириш (ролли-имитацион, муаммоли-вазиятли, ижодий тасвирлаш ва бошқалар) асосида такомиллаштирилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

аниқ тарихий босқичларда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиамаданиятни ривожлантиришга инновацион комплекс ёндашган ҳолда, муаммонинг тарихийлик методологияси яратилган, педагогик назария янги тарихий фактлар ва ғоялар билан бойитилган;

«медиакомпетентлик» тушунчасига оригинал муаллифлик таърифи берилган, «медиа», «медиафаолият», «таълим тизими кадрларининг медиакомпетентлиги», «бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликнинг ривожланиши» каби тушунчаларнинг мазмуни аниқланган бўлиб, олий таълимдаги замонавий педагогика ва касбий педагогика фанларига оид изоҳли луғатни такомиллаштиришга хизмат қилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг методологик асослари мазмунини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда тадқиқ этилаётган муаммони ёритишга йўнатилтирилган тизимли, фаолиятли ва компетенциявий ёндашувлар амалиётга уйғун ва узвий татбиқ этилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга оид компонентларнинг ривожланиш босқичлари аниқланган, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида шахсий ва касбий сифатларнинг ривожланиш компетенциялари белгилаб берилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш давомида амалий фойдаланиш учун тавсия этилган моделнинг ўзига хос принциплари (медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнининг педагогик кузатувини қуриш, талабаларни ижодий медиафаолиятга йўналтириш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тармоқ ичида ўзаро алоқадорлигини таъминлаш) аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида ишнинг назарий асослари сифатида педагогика, психология, фалсафанинг таянч позицияларидан фойдаланилгани; тадқиқот юзасидан жуда кўп манбалар ва адабиётлар таҳлил қилингани; бир-бирини тўлдирадиган назарий ва эмпирик тадқиқот усулларидан ўзаро алоқадорлик асосида фойдаланилгани; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг илмий-методологик, педагогик ва дидактик яхлит моделини яратишда тизимли, фаолиятли ва компетенциявий ёндашувлар танлангани; тажриба-синовдан олинган натижалар бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар хулосалари асосида тайёрланган “Замонавий медиабилим асослари” махсус курс таълим жараёнига татбиқ этилгани;

тажриба-синов ишининг ҳар бир босқичида сифат ва миқдор кўрсаткичларининг атрофлича таҳлил қилингани; тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлилларга асослангани; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бўлажак касб таълими ўқитувчилари медиакомпетентлигини ривожлантириш модели яратилгани; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга хизмат қиладиган “Замонавий медиабилим асослари” махсус курс дастури, медиакомпетентликни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган медиатопшириклар, техник-технологик масалалар, лойиҳалар, ўйинлар тизимининг ишлаб чиқилгани; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентлик ривожланганлигини аниқлаш бўйича мезон ва кўрсаткичларнинг аниқлангани ва тавсифлангани; медиакомпетентликни ривожлантириш масалаларига оид таълимни ташкил этиш жараёни учун илмий-услубий таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилгани; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга қаратилган таълим захираларининг яратилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришда таълимни ташкил этиш шакл, метод ва воситалари, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш моделининг самарали ишлашига ёрдам берадиган педагогик шарт-шароитлар аниқлангани ва синовдан ўтказилгани, “Таълим технологиялари” фанидан дарслик ва умумқасбий ва ихтисослик фанларидан талабаларнинг назарий, амалий ва лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар, умумқасбий ва ихтисослик фанлар дастурлари ишлаб чиқилгани ва амалиётга жорий этилгани билан белгиланади. Шунингдек, диссертация материалларидан бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни, унинг оптимал усул ва услубларини танлаш, уларда медиакомпетентлик даражасини аниқлаш, баҳолаш, умуман, олий таълим тизимида ўқитувчилик фаолиятини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш бўйича илмий натижалар асосида:

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг аҳамияти ва мазмуни, дидактик шарт-шароитлари ва методик имкониятларини аниқлашга оид илмий таклиф ва тавсиялар “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 15 февралдаги 2-540-сон қарори билан тасдиқланган “Касб таълими методикаси” фани бўйича магистратура мутахассислиги ва бакалаврият таълим йўналишларининг Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 февралдаги 89-03-3783-сон

маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялардан касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган;

медиамухитни (медиа восита, медиа фаолият) ташкил этишнинг лойиҳалаш ва моделлаштириш функциялари, медиакомпетентликни ривожлантиришга оид тавсиялар “Олий таълим муассасаси педагоглари қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими учун модулли web технология асосида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга жорий этиш технологиялари” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 феврал 89-03-3783-сон маълумотномаси). Натижада, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, интеллектуаллаштириш, электрон таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom», технологияларини амалиётга кенг жорий этиш ҳамда таълим жараёнларида ақлли технологиялардан фойдаланиш методикалари самарадорлигини оширишга эришилган;

бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг рақамли медиакомпетентлигини ривожлантириш моделининг мақсадли, мазмунли-ташкилий, технологик-жараёнли, назорат-баҳоловчи блоклари мазмуни рақамли медиатаълим тенденциялари ҳамда медиакомпетентлик даражаларини прогностик аниқлашга оид тавсиялар асосида «Таълим технологиялари» дарслиги ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 9 февралдаги 133-сон буйруғи, 133-264 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш имконияти яратилган;

медиакомпетентликни ривожлантириш технологиялари, лойиҳалаштириш ҳамда медиаматнларни саҳналаштиришга оид таклифлар “Информатика ва ахборот технологиялари” дарслиги мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 июндаги 89-03-2320-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш муҳити яратилган ҳамда медиакомпетентликни ривожлантириш технологиялари самарадорлиги ошган;

медиакомпетенцияларни ривожлантириш орқали олий таълим муассасаси талабаларининг рақамли саводхонлигини ва маданиятини, танқидий фикрлаш ва креативлик компетенцияларини ривожлантириш, шу билан бирга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан креатив даражада фойдаланиш, АКТ асосида лойиҳалаштириш, моделлаштириш, дастурлаш ва бошқаришни ўзлаштиришига оид таклифлар “Касб таълими мазмунини модернизациялаш асосида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш технологияси” (2012-2014 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29

июндаги 89-03-2320-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак касб таълими ўқитувчисининг медиа эҳтиёжлари асосида таълим жараёнини илмий асосда ташкил этишнинг методик асосларини такомиллаштириш имкониятлари кенгайтирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та дарслик, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, шундан 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, тўрт боб, 259 саҳифа матн, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, унинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш муаммосининг назарий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш муаммосининг назарий жиҳатлари ифодаланган ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш модели ёритиб берилган.

Мазкур бобда жамиятдаги ислохотлар, замонавий иқтисодиёт талаблари бўлажак мутахассислар олдига янги вазифаларни қўйиши, сўнгги ўн йилликда педагогларнинг медиакомпетентлик кўрсаткичларини ривожлантириш хусусида фикр баён этилган. Шунингдек, медиакомпетентликни педагогик феномен сифатида ўрганиш, унинг моҳияти, хусусиятлари, белгилари ва мазмунини аниқлаштириш, замонавий олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий тайёрлаш жараёнида уларда медиакомпетентликни ривожлантириш имконини берувчи педагогик моделни яратиш зарурати илмий асосланган.

Тадқиқотда замонавий ахборот муҳитида медиа манбаларнинг нафақат ижобий, балки салбий таъсирини ҳам ўрганиш, педагогларнинг фаолиятидаги


аҳамиятини таҳлил қилиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиси ишининг натижавийлиги, унинг педагогик фаолиятини доимо янгилашиб турадиган ахборот контентида самарали ташкил қилишга алоҳида урғу берилган. Ахборот чақириқлари ва ўзгаришларига тезкорлик билан жавоб қайтарадиган, замонавий медиа воситалардан оптимал фойдаланиш малакасига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш учун бўлажак касб таълими ўқитувчиси профессионализмининг, унинг глобал ахборот фазосида йўналиш ола билиш лаёқатини ривожлантириш йўналишлари муҳим бўлиб ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш муаммоси мамлакатимизда олий таълим тизимида юз бераётган асосий ўзгаришлар билан, компетентли ёндашувни мажмуавий таълим асоси сифатида бутунлай тан олиниши билан, шунингдек йилдан йилга турли йўналиш мутахассисларида, шу жумладан бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга оид тадқиқотларнинг сони ва сифати ортиб бораётганлиги билан тавсифланишини аниқладик.

Тадқиқотимиз аввалида медиакомпетентликни ривожлантириш муаммосининг замонавий ҳолатини ўрганиш муҳимлиги аён бўлди. Бу босқичнинг асосий йўналишлари: медиакомпетентлик тушунча апаратини тизимлаштириш ва медиакомпетентликни ривожлантириш бўйича тегишли илмий тажрибани таҳлил қилиш. Бизнинг тадқиқотимиз учун «медиа», «медиа воситалар», «медиа фаолият», «медиа муҳит», «медиакомпетентлик», «бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантириш» тушунчалари ҳал қилувчи ҳисобланади.

“Медиа муҳит” тушунчаси – бу медиа воситалар ёрдамида амал қилувчи, ахборот фазосининг ҳар бир конкрет индивидуум ва умуман жамият учун мос вариантини яратувчи, ҳамда замонавий ахборот жамиятининг асосий маданияти ҳисобланадиган маданий муҳит.

Шулардан келиб чиқиб, биз медиа муҳитнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини келтирамиз: қайд қилинганлик – медиа ахборот ҳар доим маълум рақамли ташувчиларда қайд қилинган бўлади; географик масофаларни медиа жиҳатдан яқинлаштиради. Коммуникациялар сони ва ҳажмини сезиларли даражада ошириш, шунингдек, мавжуд ижтимоий чекланишларни юмшатиш имконини беради. Тезлик - коммуникацияларнинг тезлигини сезиларли даражада оширади. Агрессивлик - кераксиз, ортиқча, тўқиб чиқарилган маълумотлар, ахборот фантомлари, “троллар”, рекламаларнинг кўплиги билан маънавий таҳдид қилади ва ҳ.к. Бошқарилувчанлик - маълумотлар ҳажми кўплигидан хаос (тартибсизликлар)га қарамасдан, медиа маълум одамлар томонидан осон ва самарали бошқарилади, бу одамлар шу муҳит ёрдамида қўйилган мақсадларга эришадилар. Интерфаоллик - медиа муҳитга тизимни ташкил қилиш тамойили хос, бунда қўйилган мақсадга шу тизимнинг элементлари билан ахборот алмашинуви амалга оширилади.




**1-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси**

Бўлажак касб таълим ўқитувчиларда медиакомпетентликни фаол ривожлантиришни таъминловчи таркибий тузилмаси ишлаб чиқилди. Ушбу таркибий тузилма тавсифи қуйида келтирилган назарий-методологик ёндашувларга таянади.

Бўлажак касб таълим ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш моделини куришга педагогика, психология ва дидактиканинг назарий-методологик ёндашувлари тадқиқот ишининг илмий асосини ташкил этади. Тадқиқотчилар томонидан кўплаб самарали назарий-методологик ёндашувлар ишлаб чиқилган. Асосийларидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: тизимли, аксиологик, фаолиятли, ахборот, компетентли, технологик, маданиятшунослик ва бошқалар. Олимлар ўз тадқиқотида ёндашувларни долзарблаштиришда дуч келадиган биринчи ва энг асосий нарсa – бу ўз танловини асослаб беришдан иборат.

Шу билан бирга тадқиқот иши доирасида бўлажак касб таълими ўқитувчилар медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизим компонентларининг ўзаро алоқадорлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари аниқланди (2-расм).

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш жараёни асосий функциялари сифатида ахборот-таҳлил, касбий-ривожлантирувчи ва йўналишли-мослашувчанликни кўрсатиб ўтиш мумкин. Функцияларни ўрганиш бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнида ишлаб чиқиладиган ҳамда амалга ошириладиган педагогик ва техник-технологик топшириқларни куриш имконини беради.



**2-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчилари медиакомпетентлигини ривожлантириш педагогик тизими компонентлари**

Ахборот-таҳлилий функция бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш учун зарур бўлган ахборотлар алмашинувини таъминлайди, медиакомпетентликни ривожлантириш жараёни ривожланиш тенденцияларини аниқлаш, мавжуд қийинчиликларни белгилаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллари топишга имкон яратади.

Мазкур кўринишдаги компетенцияларни ўзлаштиришда хизмат кўрсатишга мўлжалланган касбий-ривожлантирувчи функция, бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиа муҳитда муваффақиятли фаолият юритишларини таъминлайди, муҳим касбий жиҳатларни ривожлантириш учун шароит яратади, медиа воситалар ёрдамида касб таълими ўқитувчиларда касбий дунёқарашни кенгайтиради ва уларнинг келажакда мустақил билим эгаллашларига замин ҳозирлайди.

Йўналишли-мослашувчанлик функцияси ўз таркибига медиа муҳитда муваффақиятли мослашувчанликни қамраб олади, вазиятларни яратиш йўли билан касбий фаолиятга татбиқ қиладиган шахсий сифатларни фаоллаштириш касб таълими ўқитувчининг медиа ахборотлар билан кундалик ишларига



мансуб касб таълими ўқитувчи медиакомпетентлиги учун аҳамиятли маълумотларни излашга хизмат қилади.

Фикримизча, инновацион ёндашувларнинг биз томонимиздан аниқланган педагогик тизим компонентлари учун таянадиган базавий блок элементлари аҳамиятлидир, яъни бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш:

олий таълим муассасасида касбга тайёрлашни замонавий тизимининг аҳамиятли ва ажралмас қисми эканлиги;

цикллилиги, бутунлиги, турғунлиги, мослашувчанлиги, интегративлиги ва ривожланиш учун ресурсларга эгаллиги билан тавсифланувчи педагогик тизим компонентлари ҳисобланади;

педагогик тизим компонентлари сифатида тизимли, фаолиятли ва компетентли ёндашувлар базасида яратилган, ижтимоий буюртма, медиа фаолият, медиакомпетентлик талабларига мувофиқ келади; мақсадли, мазмунли-ташкилий, жараёний-технологик ва назорат-баҳолаш блокларини ўз ичига олади.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий дидактик асослари”** деб номланган иккинчи бобда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетенцияни ривожлантиришнинг дидактик шарт-шароитлари, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида педагогик ва тармоқ ҳамкорлигини ташкил қилиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш мазмуни масалалари ёритиб берилган.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга оид нисбатан муҳим бўлган дидактик шарт-шароитлар аниқланди:

- медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнини педагогик кузатиш;
- талабаларни фаол касбий ижодий фаолиятга йўналтириш;
- бўлажак касб таълими ўқитувчилари педагогик ва тармоқ ҳамкорлигини ташкил қилиш.

Медиакомпетентликни ривожлантириш жараёни педагогик ва ҳамкорлигига қурилади. Мазкур моделimiz педагогик шароитлари аҳамияти қиммати бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришни лойиҳалаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан белгиланади.

Бу ўринда биз талабаларнинг индивидуал психологик жиҳатлари ва ўқитувчининг тезкор аралашувини инобатган оладиган самарали таълим траекториясини ишлаб чиқишни назарда тутаяди, бу талабани қисқа муддатда тўғри оптимал оқимга солиб юбориш имконини беради.

Педагогик ва тармоқ ҳамкорлиги мазмунига нисбатан бу каби мажмуавий замонавий қарашлар бизга педагогик ҳамкорлик мазмунига кенг тармоқли ҳодиса сифатида мантиқий нуқтаи назардан ёндашган ҳолда унинг бир қатор муҳим томонларини ажратиш кўрсатиш имконини берди:

- медиакомпетентлик таркиби нуқтаи назаридан, яъни бу ўринда педагогик ҳамкорликнинг когнитив, операционал ва шахсий таркибий қисмларини ривожлантириш зарур;

- ҳамкорлик жараёни мантиқи нуқтаи назаридан, яъни бу режада медиакомпетентликни ривожлантириш оптимал траекториясини лойиҳалаш ва лойиҳалаштирилган жараёни амалга ошириш ўта муҳим, айнан олганда амалдаги мавжуд таълим жараёнини мунтазам мониторинг қилиш, аниқланган оғиш ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш;

- ўқитувчининг ҳамкорликни ташкил қилишдаги ҳаракатлари ва ички таъсир мантиқи нуқтаи назаридан, яъни юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда педагогнинг ҳамкорлик фаолияти таянч босқичларини ажратиб кўрсатиш мумкин: оғишларни ташхислаш, олинган натижаларни баҳолаш, амалга ошириладиган таъсир чораларини режалаштириш ва уларни амалга ошириш жараёнларини лойиҳалаштириш.

Тадқиқотимиз натижасида аниқлаштирилган дидактик шарт-шароитлар ўқув жараёнида бўлажак касб таълими ўқитувчилари медиа муҳитда ўз ижодий имкониятларини ишга солишлари учун муносиб вазиятлар яратиш ёрдамида амалга оширилади, деган хулоса чиқаришимиз мумкин. Бунинг учун ўқитувчига қуйидагилар зарур бўлади:

мустақил фаолиятга ажратиладиган вақтни кўпайтиради ва бўлажак касб таълими ўқитувчиларига дарс ва дарсдан ташқари ижодий медиа фаолиятда ўзларини намоён этиш имкониятларини оширади; медиа муҳитда ишлаш учун мавжуд ижодий характердаги вазифа ва топшириқларни тизимлаштириш ҳамда янгиларини ишлаб чиқиш; ўқитишнинг эвристик ва муаммоли методларидан фойдаланиш; ўз талабалари билан ижодий медиа ҳамкорликни йўлга қўйиш; бўлажак касб таълими ўқитувчилари креативлигини ривожлантириш мақсадида медиа имкониятлардан кенг кўламда фойдаланиш; таълим жараёнида предметли медиа интеграцияни амалга ошириш; бўлажак касб таълими ўқитувчиларига медиа муҳитда янги касбий ижодий тажрибаларни ўзлаштиришларига имконият бериш.

Мазкур дидактик шарт-шароитларни амалиётга жорий этишда бўлажак касб таълими ўқитувчилари ижодий имкониятларини аниқлашга ёрдам берадиган асосий ўқув фаолияти турларига биз: ўқув лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга татбиқ қилиш, маърузалар тайёрлаш, тақдимотлар яратиш, тадбирлар уюштириш, мавзуга бағишланган кечалар ташкил қилиш, дидактик материаллар тайёрлаш, шунингдек, ўзлаштиришда ортда қолаётган талабаларга ёрдам уюштириш, турли тренинг ва семинар, конференцияларда фаол иштирок этишни назарда тутамиз, бунда таъкидланаётган ишлар тизимли, мажмуавий ва услубий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши лозим. Фақат шу асосда белгиланган мақсад, вазифа, натижаларга эришиш, бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни самарали ривожлантиришга имконият яратади.

Талабаларни фаол медиакомпетентликка жалб қилиш ишлаб чиқилган педагогик тизимнинг самарали ишлашига таъсир кўрсатади, бўлажак касб

таълими ўқитувчиларига ўз ижодий потенциалларини намоён этиш ҳамда касбий вазибаларини муваффақиятли бажариш имкониятларини оширади.

Тармоқ ҳамкорлиги касбий ўзгаришларга нисбатан катта тезликда эътибор қаратиш, иштирокчилар имкониятларидан кенг фойдаланиш, муаммони ҳал қилишнинг самарали педагогик тажрибаларини оммалаштириш, хусусий касбий компетентликни оширишга ёрдам беради. Бизнинг назаримизда, мазкур дидактик шартлар бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиокомпетентликни ривожлантиришда жуда тўғри келади, чунки барча медиа фаолиятлар тармоқ билан ҳамбарчас боғлиқ ва яқиндан алоқада бўлади.

Мазкур ҳамкорлик тури фақат тармоқнинг айнан автономлик акс этувчи элементлари орасида мавжуд бўлиб, юқоридан белгилаб берилган ўзаро ҳамкорлик регламентига бўйсинмайди. Бундай ҳамжиҳатлик буйруқ ва кўрсатмалар йўли билан амалга оширилмайди. Айнан шунинг учун мазкур дидактик жиҳатлардан амалиётда фойдаланишга имконият яратишга нисбатан, биринчи навбатда, ўқитувчидан талабаларни қизиқтириш, уларнинг мотивларини ошириш, йўналтириш талаб қилинади.


Тармоқ ҳамжамиятининг устунлиги барча иштирокчилар оддий ҳаракатларини назарда тутиши, ўзаро хабарлар алмашинувида ижтимоий жамоавий сервис хизматлари имкониятларини тақдим этиши билан белгиланади. Мазкур замонавий мулоқот тури аллақачон талабаларнинг кундалик эҳтиёжига айланиб улгурганлиги билан ҳам характерланади. Тармоқ ҳамжамиятидан таълим мақсадларида фойдаланиш яққол ифодаланган ижобий устунлик, самара кашф этади.

Бундан ташқари, педагогик амалиётда тармоқ ҳамжамиятидан фойдаланиш шахсий аҳамиятли рол ўйнайди, чунки унинг иштирокчи субъектларида ҳамкорлик тафаккури, толерантлик, марказлашмаган моделларни ўзлаштириш, танқидийлик ва бошқа шу каби шахсий аҳамиятга молик тавсифларни ўзлаштириш имконини беради.

Бошқаларига нисбатан иккита асосий тармоқ ҳамкорлик моделлари кенг кўламдаги эътирофга молик, улар: марказлашган ресурс марказига эга бўлган бош ташкилот, муассаса ҳамда ўзаро тенг тақсимотни назарда тутадиган касбий муҳит субъектлари тенг ҳуқуқли шериклиги. Масалага ҳамкорлик асосидаги бу каби ёндашув асосан дастурий-стратегик чораларсиз локал муаммоларни ҳал қилишда қўл келади.

Қуйида бўлажак касб таълим ўқитувчиларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш жараёнида педагогик ҳамкорликни амалга ошириш схемаси келтирилган (3-расм).

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнида педагогик ҳамкорликни амалга ошириш муҳим касбий ва шахсий сифатларга оид билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига самарали таъсир кўрсатади.



**3-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнида педагогик ва тармоқ ҳамкорлиги**

Медиакомпетентликни ривожлантириш билан боғлиқ таълим жараёнини ташкил қилиш учун, бизнинг назаримизда, ресурс марказига эга бўлган педагогик тизим компонентларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг афзаллик жиҳати юқорида эътироф этилган педагогик тизим компонентлари, таркибий тузилмамиз педагогик шарт-шароитларига тўла мос келиши билан изоҳланади.

Ёш мутахассислар касбий тайёргарлиги тармоқ ҳамкорлиги субъектлари жамоавий ресурслардан фойдаланиш ва субъектларни жойлаштиришга қўйиладиган конструктив талаблар белгиладиган маълум бир ташкилий модел оқими асосида амалга оширилиши зарур.

Ўрганилган, бошқаларга нисбатан иккита асосий педагогик ва тармоқ ҳамкорлик моделлари кенг кўламдаги эътирофга сазовор бўлди, улар:

1. Марказлашган ресурс марказига эга бўлган бош ташкилот, муассаса бўлишини назарда тутиш.
2. Ўзаро тенг тақсимотни назарда тутадиган касбий муҳит субъектлари тенг ҳуқуқли шериклиги. Масалага ҳамкорлик асосидаги бу каби ёндашув асосан дастурий-стратегик чораларсиз локал муаммоларни ҳал қилишда қўл келади.

Медиакомпетентликни ривожлантириш билан боғлиқ таълим жараёнини ташкил қилиш учун, бизнинг назаримизда, ресурс марказига эга бўлган педагогик тизим компонентлари, таркибий тузилмасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқроқ. Бунинг афзаллик жиҳати юқорида эътироф этилган педагогик тизим компонентлари, таркибий тузилмасидан педагогик шарт-шароитларига тўла мос келиши билан изоҳланади.

Таълим соҳасидаги касбий педагогик тармоқ ҳамкорлиги қуйидаги

тамойилларга асосланади: мақсад ва фаолиятнинг бирлиги, тармоқдаги алоқалар ва муносабатларнинг таълим мотивациясига асосланганлиги, унинг аъзолари етакчилиги ва мустақиллиги, тармоқ таркиби мослашувчанлиги ва очиқлиги, ўзаро ҳамкорлик даражаларининг вариативлиги ва бошқалар.

Педагогик ва тармоқ ҳамкорлиги асосий анъанавий технологиялари семинарлар, тажриба алмашилиш, давра суҳбатлари, конференциялар, мунозаралар ва бошқалар ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳамкорликнинг ушбу тури кун сайин принципиал янги хусусият ва аҳамият касб этмоқда, бунинг афзалликларидан яна бири макон ва замон муаммосининг баргараф этилганлиги, яъни иштирокчиларнинг бир-бирлари билан масофадан туриб ўзаро мулоқотга кириши имконига эканликлари билан изоҳланади. Бу тўлалигича медиакомпетентлик концепцияси талабларига мос келади ва унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шунингдек, талабалар ҳам мазкур жиҳатларнинг замонавий ва қулай эканлигини эътироф этишади.

Бўлажак касб таълими касбий тайёргарлигини ривожлантириш жараёнида медиакомпетенциянинг ўрни ва аҳамияти, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга касбий тайёрлашнинг асосий йўналишлари аниқланди ва модели ишлаб чиқилди ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларни педагогик фаолият жараёнида медиа воситаларидан фойдаланишга тайёрлаш ҳолати ўрганилиб, уларнинг касб таълими жараёнида ўқитишнинг электрон таълим воситаларини қўллаш кўникмалари ташхис қилинди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш асосида ривожлантиришда Д.Хен концепциясини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. У ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг бешта мезонини кўрсатиб ўтган. Кўриб чиқилган компонентларга мувофиқ ҳолда бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга тайёргарлик даражаси диагностик ўрганилди. Педагогик адабиётлар таҳлили асосида ва талабанинг касбий фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўлажак касб таълими ўқитувчиларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқот давомида қуйидаги мезонлар ажратиб кўрсатилди: мотивация ва касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича медиакомпетентлик даражаси; талабада касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси; талабада ижодий позициянинг шаклланганлик (ўзлаштиришнинг ижодий) даражаси.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш модели ишлаб чиқилди (4-расм). Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш

моделини ишлаб чиқишда А.П.Астадурьян ва Э.Г.Малиночка<sup>4</sup> томонидан таклиф қилинган бошланғич ўқув вазияти тузилмаси асос қилиб олинди. Ушбу тузилма тадқиқотнинг тажриба-синов шароитларига мослаштирилди.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш жараёни вазиятини яратишда мазкур педагогик жараён иштирокчилари, яъни, бўлажак касб таълими ўқитувчилари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таркибий қисмлари мазмуни, компьютерни талабанинг фаолият объекти сифатида жалб этиш ҳолатлари кузатилди. Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўқитишда ўрганилаётган педагогик ҳодиса ёки жараённинг ахборот модели ҳам талаба фаолиятининг объекти ҳисобланади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш дидактик таъминотининг зарурий шарти педагогнинг мазкур жараёнга тайёрлиги ҳисобланади.

Ўқитувчи ўқув фанини масофавий таълимдан фойдаланган ҳолда ўрганиш асосига қурилган медиакомпетенликни ривожлантириш дастурига эга бўлиши керак. У қуйидаги сифатларга эга бўлсагина, бундай дастурни ярата олади:

- касб таълими ўқитувчисининг юқори педагогик маълумотга, касбий маҳоратга эга эканлиги;


- бўлажак касб таълими ўқитувчисининг медиакомпетенликки ва уларни таълим жараёнида ривожлантириш ҳамда ҳақида маълумотга эгалиги.

Шунингдек, таълим олувчининг ўзи ҳам медиакомпетенликни ривожлантиришга тайёр бўлиши муҳимдир. Касбий билим (маданият)ни ривожлантириш усуллари турлича: шахснинг психологик хусусиятларини бевосита тушунтириш, компьютер ўйинлари, танловлар, лойиҳалар, мусобақалар, шаклланиш ва ривожланишнинг натижавийлигининг кўргазмалилиги ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Тадқиқот давомида мақсадга мувофиқ ва талабаларнинг тайёрлик даражасини ҳисобга олган фаолият объектини ишлаб чиқиш зарур, бу медиакомпетенликни ривожлантиришга тайёрликнинг учинчи шарти. Ўқитиш жараёнида ўзаро таъсир амалга оширилади. Моделда бунга “Медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш” блоки мос келади. Ўқув жараёнида медиакомпетенликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш педагогик туркум фанларини ўқитишда амалга оширилади. Таълим муассасасига медиакомпетенлиги турли даражада шаклланган талабалар қабул қилинади.

---

<sup>4</sup>А.П.Астадурьян, Дидактическая структура учебной ситуации / А.П. Астадурьян, Э.Г. Малиночка // Проблемы и перспективы подготовки учителя в современных условиях: Мат-лы всерос. науч.-практ. конф. Ч. 1. Славянск-на-Кубани, 2003.-С.10-14.



4- расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликни ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ривожлантириш модели

Шунинг учун таълим жараёнида талабада медиакомпетенликнинг ривожланганлик даражасини ҳисобга олиш лозим. Талаба ўзида шаклланган медиакомпетенлик даражасига кўра медиакомпетенликни янада ривожлантириши мумкин. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни ривожлантиришнинг куйи, ўрта, юқори даражаларини фарқлаш мумкин.

Умумқасбий ва махсус методик тайёргарликнинг ўзаро алоқадорлиги масаласи алоҳида кўриб чиқишни талаб қилади. Талабани шахсий компьютердан таълим воситаси сифатида фойдаланишга тайёрлашнинг бутун тизимида махсус методик тайёргарлик алоҳида ўрин тутади.

Бўлажак ўқитувчиларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга тайёрлаш технологияси талабаларда тадқиқотчилик иши, ижодий мустақиллик ҳамда илғор педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш медиакомпетенликни ривожлантириш вазифасини ўз ичига олади.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш сифатини таъминлаш учун педагогик амалиёт жараёнида педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари интеграциясига асосланган самарали технологиялардан фойдаланилди. Бундай технологияларнинг таянч асоси электрон таълим воситалари ҳисобланди.

Электрон таълим воситаларини яратишда уларнинг сифатига қўйиладиган дидактик талаблар мажмуаси ишлаб чиқилди, уларга риоя қилиш электрон таълим воситаларини яратиш технологиясининг асосий элементи ҳисобланади.

Ўқув материални электрон таълим воситалари компонентлари ёрдамида ўзлаштириш замонавий илмий ўрганиш усуллари (тажриба, таққослаш, кузатиш, абстракция, умумлаштириш, конкретлаштириш, аналогия, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, моделлаштириш усули, шу жумладан, математик моделлаштириш методи ва тизимли таҳлил усули) билан мос равишда қурилиши керак.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини педагогик амалиёт жараёнида педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим воситаларидан фойдаланиб дарс беришга ўргатиш, тизими кутилган натижаларни беради. “Педагогик амалиёт жараёнида касб-ҳунар коллежида талабаларни ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга ўргатиш” махсус курсининг мақсади ривожлантирилди; ахборот-коммуникация технологиялари воситасида талабаларнинг касбий-педагогик тайёргарлигини ошириш муаммоларининг асосий йўналишлари аниқлаштирилди; тематик режа ишлаб чиқилди; курснинг вазифалари белгиланди.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида, бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетенликни мақсадли ривожлантириш махсус дастурини ишлаб чиқишни талаб қилади. Биз тавсия этаётган дастур ташкилий-мазмунли блокнинг ахборотлар асоси ҳисобланади ва тиғизлиги



хамда интеграциялашган ва амалиётга мўлжалланган бўлади. Мазкур дастурнинг мазмуни 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### **Бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш дидактик мақсадларга йўналтирилган дастури**

Бўлим	Мазмуни	Медиакомпетентлик компонентлари
1. Назарий	Талабалар медиакомпетентлик билан боғлиқ тушунча, қонун, қонуният, назария, ёндашув, фараз, муаммолар ва ш.к. ларни ўзлаштиради.	Когнитив шахсий-рефлексив фаолиятли (операцион)
2. Амалий-продуктив	Талабалар амалий шакл ва методлар ёрдамида медиа фаолиятнинг муайян усулларини ўзлаштиради, бўлажак касб таълими ўқитувчиларда таянч хусусий малакалар қатори ривожлантирилади, шунингдек, шахсий ва касбий фазилатлар ривожлантирилади ва такомиллаштирилади.	Фаолиятли (операцион) когнитив шахсий-рефлексив
3. Амалий-Креатив	Талабалар касбий ҳаракатлар (амаллар) нинг комплекс усулларини эгаллайди, уларнинг медиа фаолиятнинг тўлиқ туркумини ижодий бажариш тажрибаси бойитилади.	Фаолиятли (операцион) шахсий-рефлексив когнитив

Медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнида ушбу дастурни қўллашда замонавий олий таълим муассасаларининг барча таълимий имкониятларини инобатга олиниши зарур ва шарт. Бу ўринда қуйидаги йўналишларни қўллаш мақсадга мувофиқ: ишлаб чиқилган муаллифлик махсус курси вақт, диққат, ахборот ва материал каби ресурсларни бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантиришда янада юқори натижа олишга қаратади; биз ишлаб чиққан дастур компонентлари олий таълим муассасаларида ўқитиладиган махсус курс қўшимча мавзулари доирасида медиакомпетентликни ривожлантириш йўналиши мазмунига тўла мос келади. Мазкур йўналиш доирасида норматив медиа фаолият ва медиакомпетентлик, касб таълими ўқитувчи медиа фаолияти назарияси ва амалиёти ўзаро алоқалари, медиакомпетентлик мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўзлаштириладиган предмет амалий-фаолиятли таркибий қисмларини бойитиш, талабалар мустақил ишлари, медиакомпетентлик таркибий қисмлари, босқичлари мазмунини ўзлаштиришга оид курс материаллари мазмунини бойитади; бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқот ишлари ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида, уларнинг дарсдан ташқари мустақил фаолиятларида махсус ишлаб чиқилган қўшимча медиа топшириқлар ва медиа билимлар ёрдамида амалга оширилади.

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчиларни медиакомпетентлигини ривожлантиришда медиатаълим методикаси** деб номланган учинчи бобида замонавий педагог медиакомпетентлиги ахборот кўрсаткичлари ривожланиши, талабаларнинг медиакомпетентлиги кўрсаткичларининг

мотивацияни ривожланиши ҳамда талабаларнинг медиакомпетентлиги аналитик кўрсаткичлари ва перцептив ривожланиши масалалари баён этилган.

Замонавий педагог медиакомпетентлиги ахборот кўрсаткичларининг ривожланиши унинг медиатаълим фаолиятини амалга оширишга назарий тайёргарлигининг муҳим босқичи саналади. Одатда, педагоглар медиа тўғрисидаги билимларни яхши эгаллаган бўлади ва интернетнинг фаол фойдаланувчилари ҳисобланади. Шу билан бирга, аксарият педагоглар медиакомпетентликдан юқори даражадаги ахборотларга эгалиklarини намоиш этишга қийналадилар: уларнинг медиа педагогиканинг таянч атамалари тўғрисидаги билимлари етарли эмас, медиа ва медиатаълим назарий соҳасига оид билимлари етишмайди, медиа тили, жанрлари нисбийлиги, медиамаданият ривожланиш тарихи асосий фактлари, медиамаданият арбоблари ижодининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида фақат тахминий тасаввурларга эга бўладилар.

Медиатаълим муаммоси юзасидан адабиётлар таҳлили аудитория медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган машғулотлар ўйин ва ижодий шаклдаги иш турларига асосланганлигидан далолат беради. Хусусан, медиатаълимда турли ижодий топшириқлар ўқув материали мазмуни, характер хусусиятлари асосида таснифланади; яъни уларга қўйиладиган талаблар характери, олинadиган якуний натижага қўйиладиган талаблар, бажариладиган ўқув ишлари «маълумотлари» ва «мақсадлари» нисбатларидан, ташкилий ва амалга ошириш шаклларида келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бугунги кунда медиатаълим амалиётида нисбатан кенг тарқалган медиамаданият материалларига қуйидаги циклдаги ижодий топшириқларни келтириш мумкин:

Аудиториянинг техник воситалар, ўйин шакллари, эвристик усуллар ёрдамида медиа материаллари юзасидан креатив кўникмаларни эгаллашлари учун ролли-имитацион, муаммоли-вазиятли, ижодий-тасвирий топшириқлар. Аудиториянинг медиа матнларни тўлақонли англаб етишларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий топшириқлар цикли. Аудиторияда медиа матнни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган ижодий вазибалар цикли ҳисобланади.

Медиатаълим машғулотлари мазмуний компоненти ҳар бир цикли ижодий топшириқлари қуйидаги тарзда тақдим этилган:

- «ролли-имитацион» ижодий машғулот, медианинг асосий тушунчаларини ўрганишни назарда тутди «сценарий», «экранлаштириш», «ҳаракатлар»). Ролли-имитацион ижодий топшириқларнинг асосий кўрсаткичлари “медиа матнда ўзининг сценарий юзасидан қисқача амалий ҳаракатларини ривожлантириш, унинг замон ва макон образларини вербал тарзда очиб берадиган қобилияти, унинг натижаси ўлароқ аудиторияда медиа маданият соҳасида шахс касбий ривожланиши “тушунчалар” ва “креатив” кўрсаткичларига жавоб берадиган, идивидуал, ижодий тафаккурини ривожлантириши ҳисобланади;

- «муаммоли-вазиятли» ижодий машғулотлар олдиндан белгиланган режа ва ёзилган сценарий юзасидан турли медиа матнлар яратиш ва тайёрлашни назарда тутди: «телекўрсатувлар»ни олиб бориш, «репортажлар»;

«ведиофильм»ни суратга олиш жараёнига раҳбарлик; «ведиофильмлар» ва «кўрсатувлар»га мос куй танлаш; «ведиофильмда» касбий фаолият билан боғлиқ педагогик ва техник-технологик топшириқларни ечиш ҳамда ролларни ижро этиш ва бошқалар. «Муаммоли-вазиятли» топшириқлар натижалари шахсни касбий ривожлантиришнинг у ёки бу кўрсаткичларига жавоб берадиган қуйидаги сифатларни ривожлантиришдан иборат: медиа матн яратиш асосий босқичларини билиш, медиа матн муаллифлари функциялари, уларнинг иш хусусиятлари, хусусий медиа матнларини яратиш ижодий қобилиятлари. «Муаммоли-вазиятли» топшириқларни бажаришнинг самарали кўрсаткичлари талабаларнинг медиа матнларни яратиш асосий босқичларини ўйин шаклида ўзлаштириш қобилиятлари саналади;

- «ижодий-тасвирий» машғулотлар талабаларнинг техник объектлар, конструкторлик, технологик жараёнлар, лойиҳалар ҳақида тасаввурлари, фантазиялари, техник тафаккурлари, аудитория новербал англаши: реклама роликлари яратиш, медиа матн асарлари мавзулари юзасидан объект ва жараёнлар, расм ва коллажлар; турли медиа матнлар мотивлари бўйича қизиқарли сюжетлар ва бошқалар. Мазкур топшириқларни бажаришнинг асосий кўрсаткичлари медиамаданият асарлари намойишидан олган ўз таассуротларини новербал шаклда узатиш кўникмалари саналади.

Маълумки, одатда аудиторияда катта қизиқишни амалда бажариш имконияти бўлган топшириқлар уйғотади. Демак, ролли иммитацион медиа матн топшириқлари устида ишлашда нафақат фильм юзасидан ўзининг мини сценарийсини тузиш мумкин бўлади, балки ўзининг ижодий ўйланмаларини амалда ўқув лойиҳа кўринишида лойиҳалаштириши мумкин бўлади. Сўнгра ижодий иш жамоа муҳокамасига олиб чиқилади, уларнинг саралари қайта ижодий ишлов бериш мақсадида ишнинг кейинги босқичига ўтказилади.

Стартап, техник, ишлаб чиқариш технологик мазмунидаги муаммоли - вазиятли топшириқларни бажариш жараёнида аудитория медиа матн эпизодларини сахналаштиришда иштирок этади. Бу кўринишдаги топшириқларни амалга ошириш ролли ўйинлар шаклида ўтказилади: иштирокчилар орасида конструкторлар, технологлар, муҳандислар «режиссёрлар», «операторлар», «дизайнерлар», «актёрлар», «телекўрсатувлар» иштирокчилари ва бошловчилари, тадқиқотчилар роллари тақсимлаб берилади.

Педагоглар медиа матн яратувчилари у ёки бу вазифаларни бажаришларида медиа маданият асарининг профессионал даражасига даъвогарлик қилаётган тугалланмаган шаклини тасаввур қилиш вазифасини қўймайдилар. Уларнинг асосий вазифалари ҳар бир иштирокчининг потенциал имкониятларини ривожлантириш, аудиовизуал тилни эгаллашларидан иборат бўлади.

Ижодий топшириқлар ўз таркибида афишалар, фотоколлажлар, медиа маданият асари мавзусидаги суратлар, у ёки бу медиа матн мотивлари асосида чизилган “қизиқарли” техник-объектларни, технологик лойиҳаларни яратишни назарда тутади. Бу типдаги топшириқлар «тасаввурлари,

фантазиялари, техник тафаккурлари, аудиториянинг билишини» ривожлантиришга йўналтирилган бўлади.

Ижодий топшириқларни ва лойиҳаларни бажаргандан кейин афишалар стартап, техник объектлар, технологик лойиҳалар танлови ўтказилади, техник объектлар, робототехника, яъни лойиҳалар, коллажлар, расмлар, сюжетлар, уларнинг афзал ва нуқсонли жиҳатлари муҳокама қилинади, ижодий ишлар муаллифлари ўз асарларини расман аудитория саволларига жавоб берган ҳолда ҳимоя қилиш имконига эга бўладилар.

Медиатаълим жараёнида (хусусан, турли техник объектлар, технологик лойиҳалар, робототехника ва бошқа жанр ва типдаги медиа матнларни ўрганишда), педагоглар нафақат янги билимларни оладилар, балки медиаахборотларни тушунишнинг нисбатан юқори даражаларига чиқадилар, уни қўллашнинг турли соҳалари, таҳлили, синтези билан танишадилар. Асосий иш шакллари орасида ақлий ҳужум, ролли ўйинлар, эвристик ва муаммоли топшириқларни бажариш, баҳс-мунозара кабилар ажралиб туради.

Медиатаълим методикасини ўрганиш педагоглар учун медиа матнлар сценарийсини матбуот, Интернет, телевидение, кинематография материаллари асосида мустақил ишлаб чиқиш имкониятларини очади, сўнгра талабалар аудиториясида унинг тақдимотини амалга оширади, инновацион ва амалий лойиҳалар таҳлили ўтказилади, жумладан, педагогик йўналишларда. Медиатаълимнинг асосий методик тамойил ва усуллари талабаларнинг ижодий ва интеллектуал имкониятларини ривожлантириш, дунёқарашларини кенгайтириш, билиш ва ўзлигини англаш жараёнларини такомиллаштиришга йўналтирилади.

Педагогларнинг медиатаълим фаолиятларини нафақат маъруза машғулотлари жараёнларида амалга оширишлари, балки ижодий устахоналар, амалий ва семинар машғулотларида ҳам давом эттиришлари мумкин бўлади. Медиатаълим ўқув фаолияти шаклидан қатъий назар, аудиториянинг бадиий эстетик маълумоти, тафаккури, эмоционал ҳолати, англаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши талаб қилинади, бу эса, ўз навбатида, шахснинг табиат ва меҳнатга, инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларга, техникага бўлган эстетик муносабатида шахс ижодий индивидуаллигининг фундаментал асоси ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари”** деб номланган тўртинчи бобда тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижалари баён этилган. Тажриба-синов натижасида олинган маълумотлар ишончилига амин бўлиш мақсадида биз ишга бўлажак касб таълими ўқитувчилар тайёрлайдиган ва касбий педагогика соҳаси факультет раҳбарлари, кафедра мудирлари, мутахассислар, гуруҳ мураббийларидан иборат экспертлар гуруҳини жалб қилдик. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш кўрсаткичлари ва даражаси мезонларини асослаш, шунингдек, нисбатан самарали методлар асосида аниқлаш имконини берадиган ташхис аппаратини ишлаб чиқдик ва тақдим этдик.

Тажриба-синов ишларини муайян тартибда ва дастур асосида ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади. Тажриба-синов ишлари дастурида асосий мезон сифатида бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг янги ва нисбатан илгариланган медиакомпетентлиги даражасидаги мунтазам ҳаракатидан фойдаланилди. Биз асосий тўрт даражасини ажратиб кўрсатдик: 2-жадвалда уларнинг тавсифини келтирамиз.

**2-жадвал**

**Бўлажак касб таълими ўқитувчилар медиакомпетентлиги ривожланганлик кўрсаткичлари, мезонлари ва даражаси**

Даражалар	Мезонлар ва кўрсаткичлар
Қониқарли (етарли бўлмаган) даража	<p>Бўлажак касб таълими ўқитувчилар медиа фаолиятни амалга оширишда олдин ўрганган усулларида фойдаланади, фақат намуна асосида ишлайди, ижодий ишларни бажаришнинг имкони бўлмайди. Медиа мулоқотларда иштирок этмасликка уринишади, медиа воситалар ва улардан фойдаланиш усуллари яхши билмайди, медиа муҳитда фаоллик кўрсатишдан ўзларини тортишади. Медиа муҳитда мустақил фаолият юритиш учун билим, кўникма ва малакалари етишмайди. Медиа фаолият ва медиакомпетентлик моҳиятини тушунмайди; қўл остидагилар, ходимлар ва бошқа талабалар учун медиа муҳитдан фойдаланган ҳолда ечилиши шарт бўлган вазифаларни саводли қилиб шакллантира олмайди. Уларда касб таълими ўқитувчиларга хос медиакомпетентликка оид шахсий сифатлар етарли шаклланмаган.</p>
Ўртача (вазиятли) даража	<p>Бўлажак касб таълими ўқитувчилар медиакомпетентлик мазмуни ва моҳиятини, медиа муҳитнинг бошқа вакиллари билан ўзаро ҳамкорликда медиамулоқотнинг муҳимлигини англаб етадилар. Уларда медиа муҳитда ишлаш билан боғлиқ айрим кўникмалара шаклланган, лекин малакалар ҳосил қилинмаган. Медиа муҳитда баъзан ижодий топшириқларни урдалайди, аммо чуқур билимга эга эмаслик ва малакаларнинг шаклланмаганлиги уларга ўз фантазиялари кенг ва фаол фойдаланиш имкониятларини бермайди. Қўл остидаги ходимлар ва курсдош талабаларни медиа фаолиятда ўйин вазиятларига мунтазам торга олмайди, медиа фаолиятни бошқариш билан боғлиқ қарорларни қабул қилишда ишончсизлик кўрсатади ва аксарият ҳолларда нотўғри ёки энг самарасиз қарорлар қабул қилади.</p>

<p>Юқори (касбий-етарли) даража</p>	<p>Талабада медиакомпетентлик ривожланганлиги даражаси онглилик, танқидийлик, мажмуавийлик, самаралилик, мустақиллиги билан характерланади, ўз фаолиятида медиа муҳитда мавжуд кўникмалардан бемалол фойдалана олади. Талабалар медиакомпетентликни шаллантириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантириш, қизиқиш ва эҳтиёжларини намоён қилади. Талабалар ўз касбий фаолиятлари доирасида медиа фаолият стандарт асосларидан фойдаланиш, шунингдек, медиа муҳитда самарали касбий мулоқот қоидалари ва меъёрларига мослашган бўлишади. Талабалар медиакомпетентлик соҳасига оид билим, кўникма ва малакаларини ишонч билан қўлайдилар, лекин нисбатан самарали қарорларни қабул қилишларида ижодий ёндашувни амалга ошира олмайди.</p>
<p>Энг юқори (ижодий) даража</p>	<p>Бўлажак касб таълими ўқитувчилар медиакомпетентлик мазмуни, моҳияти ва аҳамиятини англаб этадилар, оптимал медиа воситалардан фаол фойдаланишади, юқори ижодий фаоллик кўрсатишади, медиа муҳитда мустақил ва самарали ишлай оладилар. Таълим жараёнида медиа фаолиятнинг ахборот ва мулоқот компонентларидан фаол фойдаланишади. Бўлажак касб таълими ўқитувчилар медиа муҳит мулоқот жараёни барча иштирокчилари билан самарали ҳамкорлик қиладилар, медиа муҳитда олинган ахборотларни тўғри баҳолашади, уларни топиш, танқидий ўрганиш ва ижодий қайта ишлашни удалашади. Зарур касбий шахсий сифатлари шаклланган ҳамда уларни таълим медиа муҳитида қўллаш оригинал ечимларни тавсия этиш кўникмаларига эга бўлади. Бу жиҳатлар ходимларни медиа топшириқларни аниқ, хатосиз ва тез амалга оширишлари, бунда уларнинг сафарбарлиги ва фаоллиги имониятларини орттиради.</p>

Тажриба-синов ишлари 2018-2020 ўқув йиллари мобайнида амалга оширилиб, унга 457 нафар респондент жалб этилди. Тадқиқотнинг асосий тажриба-синов ишлари Фарғона давлат университети, Гулистон давлат университети ҳамда Тошкент давлат педагогика университетидеда уч босқичда олиб борилди:

1. Асословчи тажриба босқичида касб таълими йўналиши бўйича бакалавр-ўқитувчиларни тайёрлаш жараёнида уларнинг медиакомпетентлигини ривожлантириш, уларда медиакомпетентликларининг ривожланганлиги даражасини аниқлашга йўналтирилган педагогик фаолият ташкил этилди.

2. Шакллантирувчи тажриба босқичида биз томондан тавсия этилган кўрсатма, йўриқнома, методик ишланмалар, кейслар ва педагогик ва технологик фаолиятда учрайдиган вазиятларни ролли-иматацион, муаммоли вазиятли, ижодий тасвирлаш топшириқларни бажариш шакллари асосида амалий-методик фаолият ташкил этилди.

3. Таъкидловчи тажриба босқичида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш мақсадида ижодий машқлар, педагогик ва технологик фаолиятда учрайдиган муаммоли

видеотопширикларни бажариб, педагогик ва технологик фаолиятда учрайдиган ролли-иматацион муаммоли вазиятли, ижодий тасвирлаш топшириклар асосида медиакомпетентнинг ривожланганлиги таҳлил қилинди ва қўлланган методиканинг самарадорлиги, шунингдек уларда медиакомпетентияларининг ривожланганлик даражаси аниқланди.

Тажриба-синов ишларининг муваффақияти қуйидаги объектив ва субъектив омилларга боғлиқлиги аниқланди:

- бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентлик ривожлантиришга қаратилган педагогик шарт-шароитларнинг яратилганлиги;

- олий таълим муассасаларида етарли моддий-техник базанинг мавжудлиги;

- ўқув жараёнида замонавий дидактик, техник воситалар ҳамда ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш;

- компетентли ёндашув асосида медиакомпетентликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- талабаларда медиакомпетентликни ривожлантириш ишига малакали педагогларни жалб этиш;

- талабаларнинг мустақил тайёргарлиги учун электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш ва ш.к.

Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш кўрсаткичлари 3-жадвал маълумотларига кўра статистик танланмалар қаторини ҳосил қиламиз

Тажриба ва назорат гуруҳдаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2-танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма  $X_i$ : ижодий; касбий етарли; вазиятли; етарли бўлмаган (тажриба гуруҳи)  $n_i$ : 65; 44; 33; 0.

$$m=242$$

2-танланма  $Y_j$  и ижодий; касбий етарли; вазиятли; етарли бўлмаган; (назорат гуруҳи)  $n_j$ : 21; 66; 119; 9.


$$n=215.$$

Бу танланмаларга мос келган диаграммани олинган сонли қийматларнинг фоиз кўрсаткичлари асосида чизамиз (5-расм).

Юқоридагидек диаграммада қайд этилган графиклар тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда  $M_T = 4$  ва  $M_H = 3$  бўлгани учун  $X > Y$  шартни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади ва уни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{242} (65 \cdot 5 + 144 \cdot 4 + 33 \cdot 3 + 0 \cdot 2) = 4,13$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{215} (21 \cdot 5 + 66 \cdot 4 + 119 \cdot 3 + 6 \cdot 2) = 3,46$$



**5-расм. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш диаграммаси (тажриба сўнгида)**

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидагидан катта экан:  $X > Y$  яъни тажриба гуруҳи ўртача ўзлаштиришнинг назорат гуруҳи ўртача ўзлаштириш кўрсаткичига нисбати самарадорлик коэффициенти аниқлайди. Бизнинг тажрибамизда  $\eta = \frac{4,13}{3,46} = 1,19$  га тенг.

Энди ҳар икки гуруҳ учун тарқоқлик коэффициентларини ҳисоблаймиз. Шу мақсадда дастлаб танланма дисперсияларни ҳисоблаймиз:

$$D_m = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (x_i - \bar{x})^2 / (n - 1) = \frac{65(5 - 4,13)^2 + 144(4 - 4,13)^2 + 33(3 - 4,13)^2 + 0(3 - 4,13)^2}{241} = 0,39$$

$$D_n = \sum_{i=1}^{n=3} n_i (y_i - \bar{y})^2 / (n - 1) = \frac{21(5 - 3,46)^2 + 66(4 - 3,46)^2 + 119(3 - 3,46)^2 + 9(3 - 3,46)^2}{214} = 0,53$$

Бу натижалардан ўртача квадратик четланишларни топамиз:

$$\tau_m = \sqrt{0,39} \approx 0,62 \quad \tau_n = \sqrt{0,53} \approx 0,73$$

Булар асосида ҳар икки гуруҳ учун вариация кўрсаткичларини ҳисоблаймиз:

$$\delta_m = \frac{\tau_m}{\bar{X}} = \frac{0,62}{4,13} \approx 0,15 \quad \delta_n = \frac{\tau_n}{\bar{Y}} = \frac{0,73}{3,43} \approx 0,21$$

$t_{кр} = 1,67$ . Бундан баҳолашнинг ишончли четланишларини топсак:

$$\Delta_m = t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,39}{\sqrt{242}} = 1,67 \cdot \frac{0,39}{15,55} = 0,04$$

га тенг, назорат гуруҳида эса:

$$\Delta_n = t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} = 1,67 \cdot \frac{0,53}{\sqrt{215}} = 1,67 \cdot \frac{0,53}{14,66} = 0,06 \text{ га тенг. Топилган натижалардан}$$



тажриба гуруҳи учун ишончли интервални топсак:

$$\bar{X} - t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_\gamma \cdot \frac{D_m}{\sqrt{n}}$$


$$4,13 - 0,04 \leq a_x \leq 4,13 + 0,04 \quad ; \quad 4,09 \leq a_x \leq 4,17$$

назорат гуруҳи учун ишончли интервал:

$$\bar{Y} - t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_\gamma \cdot \frac{D_n}{\sqrt{n}}$$

$$3,46 - 0,06 \leq a_y \leq 3,46 + 0,06 ; \quad 3,40 \leq a_y \leq 3,52$$

Буни геометрик тасвирласак:



Бундан  $\alpha=0,05$  қийматдорлик даражаси билан айтиш мумкинки, тажриба гуруҳида ўртача баҳо назорат гуруҳидаги ўртача баҳодан юқори ва оралик интерваллар устма-уст тушмайди. Демак, математик-статистик таҳлилга асосан, яхши натижага эришилгани маълум бўлди.

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум  $\bar{X}=4,13$ ;  $\bar{Y}=3,46$ ;  $\Delta_m=0,04$ ;  $\Delta_n=0,06$  га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,13 - 0,04}{3,46 + 0,06} = \frac{4,09}{3,52} = 1,16 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,13 - 0,04) - (3,46 - 0,06) = 4,09 - 3,52 = 0,69 > 0;$$

Хулоса қилиб, бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантириш бўйича моделни аниқланган педагогик шарт-шароитлар билан мажмуавий татбиқ этилиши бўлажак касб таълими ўқитувчининг медиабилимларини, медиамалакаларини ва ишлаб чиқариш жараёнини медиавоситаларни жалб қилган ҳолда самарали бошқариш учун муҳим бўлган касбий аҳамиятга эга шахс сифатларини турғун оширишга таъсир қилади, деб таъкидлаймиз.

Энди барча таълим муассасаларида олиб борилган татқиқот ишларининг натижалари ва самардорлик кўрсаткичларини ифодаловчи график полигонларини тузамиз.

Ушбу натижалардан кўринадики жадвалдаги яқунловчи босқичининг хулласига кўра тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштириш кўрсаткичларининг бир биридан фарқли эканлиги, самарадорлиги бирдан катталиги, Стъудент статистикасининг эмприк қиймати критик қийматдан каттлиги, ишонч ораликларининг бир бири билан устама-уст тушмаслиги(кесишишмасли), тажриба-синов ишлари самарадорлигини баҳоловчи мезоннинг бирдан анча катталиги, талабаларнинг билиш даражасини баҳолаш мезоннинг нолдан сезиларли катталиги  $H_1$  гипотезанинг қабул қилинишига олиб келади.

Статистик кўрсаткичлар номи		Таълим муассасалари			
		Фарғона давлат университети	Гулистон давлат университети	Тошкент давлат педагогика университети	Жами
Ўртача киймат	Тажриба гуруҳи	4,04	4,11	4,23	4,13
	Назорат гуруҳи	3,39	3,47	3,52	3,46
Самарадолик коэффиценти		1,19	1,18	1,20	1,19
Танланма Дисперсия	Тажриба гуруҳи	0,44	0,39	0,34	0,39
	Назорат гуруҳи	0,48	0,55	0,57	0,53
Стандарт хатолик	Тажриба гуруҳи	0,67	0,62	0,58	0,62
	Назорат гуруҳи	0,44	0,39	0,34	0,39
Ўртача кийматлар аниқлаш кўрсаткичлари	Тажриба гуруҳи	0,48	0,55	0,57	0,53
	Назорат гуруҳи	0,67	0,62	0,58	0,62
Ишончлилик оарлиги	Тажриба гуруҳи	3,95	4,03	4,17	4,09
		4,13	4,18	4,29	4,17
	Назорат гуруҳи	3,30	3,37	3,41	3,40
		3,49	3,58	3,64	3,52
<b>Студент статистикаси</b>		<b>5,83</b>	<b>5,63</b>	<b>6,36</b>	<b>10,53</b>
<b>Критик киймат</b>		<b>1,67</b>	<b>1,67</b>	<b>1,67</b>	<b>1,67</b>
<b>Ўсиш самарадорлигини баҳолаш</b>		<b>1,13</b>	<b>1,13</b>	<b>1,15</b>	<b>1,16</b>
<b>Билиш даражасини баҳолаш</b>		<b>0,65</b>	<b>0,67</b>	<b>0,77</b>	<b>0,69</b>
<b>Критерий хулосаси</b>		<b>H<sub>1</sub></b>	<b>H<sub>1</sub></b>	<b>H<sub>1</sub></b>	<b>H<sub>1</sub></b>

Шундай қилиб, статистик таҳлил бўлажак ўқитувчиларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарали кечганлигини тасдиқлади.

### ХУЛОСА

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган дидактик ва методик ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Фанда юзага келган вазиятни мажмуавий тадқиқ қилиш, кадрларни тайёрлашда етакчи илмий йўналишларни ўрганиш, илмий педагогик-психологик, техник ва методик адабиётлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини таҳлил қилиш, шунингдек, олиб борилган тадқиқотлар ҳамда шахсий касбий-педагогик фаолият тажрибаси бўлажак касб таълими ўқитувчилари медиа фаолиятни самарали амалга ошириши учун уларда медиакомпетентликни ривожлантириш зарурлигини кўрсатади.

2. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш муаммосини тадқиқ қилиш учун ишлаб чиқилган асосий “медиа”, “медиа воситалар”, “медиа фаолият”, “медиа муҳит” “медиакомпетентлик” медиа тушунчалар сифатида дефинициялар таснифланди.

3. Бўлажак касб таълим ўқитувчиларини тайёрлаш учун медиа муҳитни ташкил этишнинг (медиа восита, медиа фаолият) лойиҳалаш ва моделлаштириш функциялари, медиакомпетентликни ривожлантириш босқичлари, мақсадли, мазмунли-ташкилий, технологик-жараёнли ва назорат баҳоловчи блокни ўз ичига олган касбга йўналтириб ўқитиш модели ишлаб чиқилди.

4. Бўлажак касб таълим ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантириш технологиялари педагогик (узлуксизлик, компетентлик, тизимлилик ва кетма-кетлик) ҳамда мақсадли лойиҳалаштирилган педагогик ёндашув (фанларо ва субъектив интеграция, модулли, креативлик, акмеологик) тамойил ва қонуниятларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.

5. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида табиий-илмий ва математик, умумкасбий ва ихтисослик фанлари блокдан ўрин олган фанлар мазмунини интеграциялашган ва дидактик синтезлашган билим ва кўникмалар асосида талабаларнинг медиакомпетентлигини ривожлантиришнинг педагогик тизими яратилди ва уни таълим жараёнига жорий этишнинг электрон ўқув-услубий таълим ресурслари ишлаб чиқилди.

6. Тизимли, фаолиятли ва компетенциявий ёндашувларнинг танланиши ҳамда ўзаро бир-бирини тўлдирадиган тарзда комплекс амалга оширилиши асослаб берилди ҳамда бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришни самарали амалга ошириш учун дидактик шарт-шароитлар тизими аниқланди.

7. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларда медиакомпетентликни ривожлантириш бўйича моделни муваффақиятли татбиқ қилиш биз ажратиб кўрсатган дидактик шарт-шароитларни амалга оширишга боғлиқ бўлади. Ушбу модель учун биз қуйидагиларни ўз ичига олувчи тўпламни ишлаб чиқдик: а) медиакомпетентликни ривожлантириш жараёнини кузатиб борувчи шароитни яратиш; б) бўлажак касб таълими ўқитувчиларини ижодий медиакомпетентликка жалб қилиш; в) бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг тармоқ ичидаги ўзаро алоқасини ташкил қилиш. Ушбу шарт-шароитлар биз ишлаб чиққан моделни самарали амалга ошириш учун зарур ва етарли ҳисобланади.

8. Бўлажак касб таълим ўқитувчиларида медиакомпетентлик кўрсаткичларини ривожлантириш стратегияси рақамли технологиялар воситасида таълимни ахборотлаштириш талаблари (Moodle, Uias, e-learning) ҳамда дидактик мақсадларини (мотивацион-қадриятли, когнитив-фаолиятли, шахсий-рефлексив) идектив хусусиятларига кўра ўқитишни электрон таълим воситалари асосида ривожлантириш имкониятлари аниқланди.

9. Умумкасбий ва ихтисослик фанлар ўқув-методик таъминотини оптималлаштириш, “Замонавий медиабилим асослари” махсус курсини жорий этиш, мустақил, амалий ва ижодий фаолиятга йўналтиришда интерфаол методларни тизимлаштириш, мақсадли лойиҳалаш ёндашуви (Кейс-тўплами, муаммоли-вазиятли, ролли-имитацион, ижодий тасвирлаш топшириқлар) асосида бўлажак касб таълим ўқитувчиларини медиакомпетентцияларини ривожлантириш методикаси такомиллаштирилди.

10. Бўлажак касб таълим ўқитувчиларида медиакомпетентликни ривожлантиришнинг даражалари мативацион, когнитив, операцион рефлексив кўрсаткичлари ҳамда энг юқори (ижодий), юқори (касбий етарли), ўртача (вазиятли), қониқарли (етарли бўлмаган) баҳолаш мезонлари такомиллаштирилди.

11. Тадқиқот доирасида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари бўлажак касб таълими ўқитувчиларида медиакомпетентлик даражасининг ривожланганлиги биз ишлаб чиққан барча кўрсаткичлар бўйича сезиларли даражада ошганлигини кўрсатди. Муаллифлик моделини педагогик жараёнга татбиқ қилиниши натижасида юқори таълим самарадорлиги таъминланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ  
ИННОВАЦИЙ, ПЕРЕПОДГОТОВКИ И ПОВЫШЕНИЯ  
КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДЯЩИХ И ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КАДРОВ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**КАДИРОВ ХАЁТ ШАРИПОВИЧ**

**ТЕХНОЛОГИЯ РАЗВИТИЯ МЕДИАКОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ  
УЧИТЕЛЕЙ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**13.00.05 – Теория и методика профессионального образования**

**АВТОРЕФЕРАТ**

**диссертации на соискание ученой степени доктора педагогических наук (DSc)**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № B2018.1.DSc/Ped9**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и информационном образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:**

**Муслимов Нарзулла Алихонович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Хамидов Жалил Абдурасулович**  
доктор педагогических наук, доцент

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Бекназарова Саида Сафибуллаевна**  
доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация:**

**Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Ped 48.01 при Институте педагогических инноваций, переподготовки и повышения квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (адрес: 100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37; E-mail: [pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz](mailto:pedagogikinnovatsiyalar@edu.uz), [devonxona@iirpo.uz](mailto:devonxona@iirpo.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Института педагогических инноваций, переподготовки и повышении квалификации руководящих и педагогических кадров профессионального образования (зарегистрирована за №\_\_\_\_). Адрес:100095, город Ташкент, Алмазарский район, улица Зиё, 76 дом). Тел.: (99871) 246-92-17; факс: (99871) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**Ш.Э. Курбонов**  
Председатель Научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.п.н., профессор

**С.Ю. Ашурова**  
Ученый секретарь Научного  
совета по присуждению учёных  
степеней, д.п.н., профессор

**З.К. Исмаилова**  
Председатель Научного  
семинара при Научном совете  
по присуждению учёных  
степеней, д.п.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В образовательных учреждениях мира широко внедрены в образовательный процесс технологии направления будущих специалистов к творческой медиа деятельности и создания среды развития медиа культуры, платформы для развития профессиональной компетентности будущих специалистов через медиа и базы данных, а также создана возможность получения открытого и дистанционного (open and distance learning - ODL) и непрерывного профессионального образования (continuing professional development - CPD) на этих платформах. В период развития цифровых технологий и активизации образовательных платформ при подготовке будущих специалистов к профессиональной деятельности уделяется особое внимание совершенствованию (внедрению) механизмов развития их медиа компетентности.

В мире осуществляются научно-исследовательские работы по развитию медиакомпетентности будущих учителей профессионального образования и созданию качественной среды образования за счет совершенствования в данном процессе индикаторов критического мышления, способности анализировать информацию и использовать ее для решения образовательных проблем, самостоятельного образования. Вместе с тем, обращается внимание на научные исследования по совершенствованию механизмов внедрения информационных технологий и коммуникаций в образовательный процесс, развитию медиакомпетентности студентов, организации процессов цифрового образования, разработки моделей цифровой компетенции.

В нашей стране разработаны нормативные основы подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с требованиями цифровой экономики, внедрения международных стандартов оценки качества образования, создания эффективных механизмов внедрения инновационных научных достижений. Как отмечается в Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, приоритетными являются задачи «дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, увеличение доступа к качественным образовательным услугам, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда».<sup>5</sup> В результате, на основе развития медиа культуры будущих специалистов профессионального образования будет создан широкий спектр условий для их подготовки к будущей карьере, повсеместное внедрение технологий виртуального обучения в учебный процесс, совершенствование методического обеспечения виртуальных лабораторных занятий.

Данная исследовательская работа в определенной степени послужит в реализации задач, установленных в Законе Республики Узбекистан «Об образовании» (2020), указах Президента Республики Узбекистан №УП-5847

---

<sup>5</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» // Сборник законодательства Республики Узбекистан.–Т., 2017. –Б.39.

«Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, №УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций» от 19 февраля 2018 года, №УП-5812 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы профессионального образования» от 6 сентября 2019 года, постановлении №ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, а также других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, развитие инновационной экономики».

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации<sup>6</sup>.** Научные исследования по совершенствованию методологической и научно-методической базы развития медиа компетентности будущих педагогов в современных условиях, развитию знаний, навыков и умений педагогов в педагогическом процессе по цифровым технологиям и медиа компетентности, формированию медиа компетентности у студентов проводятся в высших образовательных учреждениях таких как Oslo Metropolitan University (Норвегия), University of Limerick (Ирландия), University of Valencia (Испания), University of Malta (Мальта), De la Rioja International University (Испания), Академия Образования (Россия), Ташкентский университет информационных технологий (Узбекистан), Мультимедийный центр при Министерстве народного образования (Узбекистан), Ташкентский Государственный педагогический университет (Узбекистан).

Получены следующие научные результаты по проблеме совершенствования теоретической и практической базы развития медиа компетентности у будущих учителей профессионального образования: цифровые компетенции развиты на основе взаимной интеграции медиаграмотности и профессионально-педагогической компетентности (Oslo Metropolitan University); усовершенствованы механизмы мониторинга медиа компетентности и развития цифровых компетенций будущих учителей на основе компетентностного подхода (University of Limerick); были разработаны в органичности синтезированная в педагогическом образовании цифровая модель компетенции и интегрированные технологии развития медиа компетентности педагогов и студентов (University of Malta); разработана система интеллектуального и психоэмоционального развития медиа

---

<sup>6</sup>Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи [www.myhomelatvia.com/se/novosti/index](http://www.myhomelatvia.com/se/novosti/index); [www.jurnal.org/articles/2008/ped9.html](http://www.jurnal.org/articles/2008/ped9.html); <http://iibrary.by/portalus/modules/pedagog-ics/>; [www.duskyrobin.com/Z2005-01-00045.pdf](http://www.duskyrobin.com/Z2005-01-00045.pdf)(Technical Education: Global Trends and Challenges/on the occasion of International Seminar, 15 th November 2013, Jonson's Institute Of Technology, India/). Industrial Technology Education II. Group Training Course/12 June-21 July, 2006. JICA of the Government of Japan. Role of English language in Educational System under Bologna program/ seminar. 19 October 2017, Tashkent. ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.



компетентности будущих педагогов на основе моделирования. (University of Valencia); разработан механизм развития самостоятельного мышления у студентов путем внедрения системы медиа технологий (De la Rioja Internaeional University); разработаны интеллектуальные системы развития медиа компетентности на основе автоматизации управления учебным процессом (Россия); разработана система внедрения цифровых технологий в образование (Австралия).

В развитых странах проводятся исследования по развитию медиакультуры по следующим приоритетным направлениям: самостоятельное мышление о развитии медиакомпетентности у будущих педагогов на основе медиакомпетентного подхода, творческого решения задач, педагогико-психологического проектирования образовательного процесса, интенсивных и интегративных технологий.

**Степень изученности проблемы.** В Республике Узбекистан изучены проблемы, разработаны научные и методические основы медиаобразования С.Бекназаровой, Я.Маматовой, С.Сулаймановой, С.Бабаджановым и рядом других ученых.

Ученые из стран СНГ А.Федоров, А.Милютин, А.Веряев, В.Протопопова, Е.Никитина, И.Фатеева, Г.Онкович, Л.Зазнобина, Н.Змановская провели значительные исследования по организации медиа образования.

Зарубежные ученые A.Silverblatt, McMahon, R.Kubey, C.M.Worsnop, W.J.Potter, U.Carlsson провели исследования по развитию медиа компетентности студентов высших образовательных учреждений посредством предметов телекоммуникаций и журналистики.

Использование современных информационных и коммуникационных технологий в образовании и содержание профессиональных дисциплин, проблемы преподавания изучались А.Абдукодировым, М.Мамараджабовым, Н.Тайлаковым, У.Бегимкуловым, У.Юлдашевым, Ф.Закировой, А.Эминовым и многими другими учеными.

Проблема профессиональной подготовки и компетентности педагогов исследовались такими учеными как Р.Х.Жураев, Ш.Э.Курбонов, Э.А.Сейтхалилов, Ф.Р.Юзликаев, А.Р.Ходжабоев, У.И.Иноят, З.К.Исмаилова, Қ.Т.Олимов, Н.А.Муслимов, Х.Ф.Рашидов, Ш.С.Шарипов, Ж.А.Хамидов, О.Х.Туракулов, Д.О.Химматалиев, О.А.Қуйсинов.<sup>7</sup>

---

